

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Истеъмолчи манфаати - муқаддас!

ХАРИДОРНИ АЛДАЁТГАН КИМ?

Инсоннинг саломатлиги, руҳияти, кайфияти қандай бўлиши бир жиҳатдан нима истеъмол қилинаётганига ҳам боғлиқ. Афсуски, айрим ҳолларда ишлаб чиқарувчилар, савдо ходимлари, четдан маҳсулот олиб келаётган тadbirkорлар бунга эътибор қилишмаяпти. Улар, ўз моддий манфаатларини ўйлашди-ю бироқ, истеъмолчи манфаатига, соғлиғига зарар етказаятгани ҳақида ўйлашмайди.

«Ўзбекбирлашув» тизимидаги Иштихон нон комбинатида «Ўзбекистон» навли ундан ишлаб чиқарилаётган нон истеъмолчи талаб даражасига мутлақо мос келмайди. Хамир (нон) етарлича кўпчилмайди. Бу кўрсаткич метёрдаги 65 фоиз ўрнига 38 фоизни ташкил этмоқда. Маҳсулотнинг метёрли талаб даражасига мослигини назорат қилишга мўлжалланган мавжуд 29 та ўлчов асбобларининг бирортаси давлат назоратидан ўтказилмаган. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот нон савдо тармоқларида сертификатсиз жўнатилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган қандолат ва макарон маҳсулотлари учун ҳатто метёрли ҳужжатлар ҳам тайёрланмаган. Корхона мутахассислари бу маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари қандай бўлиши кераклигини ҳам билдирмаган экан. Текширув натижасида мазкур корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб қўйилди. Корхонага ҳамда мутасадди шахсларга жарама солинди. Шунингдек, «Ўзбекбирлашув» тизимидаги Пастдарғом туман «Риққ» ҳиссадорлик жамияти юқоридagi каби нуқсонлар учун 150 миңг сўм миқдордаги иқтисодий жаримага тортилди.

Бизнинг ходимларимиз томонидан «Стандартиштириш тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш юзасидан савдо тармоқларида ҳам текширувлар ўтказилмоқда. Яқинда Самарқанд шаҳридаги 21та савдо дўконларида аҳвол ўрганиб чиқилди ва уларнинг 12 тасида маҳсулотлар истеъмол талаб даражасига жавоб бермаганлиги қайд этилди. Масалан, Самарқанд шаҳрининг «Мармар» бозори ҳудудида жойлашган хусусий дўконда (сотувчи Т.Раҳимова), сотилаётган Грузия кўк чойи, ёрликда вази 100 грамм ёзилган бўлсада, ўлчанганда 56,1 грамм чиқди. Сотилаётган маҳсулотларда сифат сертификати кўрсатилмаган. Мазкур иш юзасидан чора кўриш мақсадида текширув ҳужжатлари прокуратура идораларига топширилди.

«Моҳигул» ва «Юнусжон» хусусий дўконларида эса, қалоқланган ош тузи «ПО Донецксолякстра» деб ёзилган сохта ёрлик билан сотилмоқда. Лаборатория таҳлилидан ўтказилганда мазкур дўконларда сохта ёрлик билан сотилаётган ош тузи таркиби истеъмол талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Хусусан, бу ош тузи таркибида хлорид натрий метёрлидан анча кам, кальций моддаси, намлик ва сувда эримайдиган бошқа моддалар миқдори кўп экан. Савдодаги бундай қонунбузарликларнинг сабабларини прокуратура ходимлари жиддий ўрганимоқда.

Фуқароларнинг саломатлигини сақлаш, истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилишга ҳукуматимиз катта аҳамият бермоқда. Бу борада тегишли қонунлар ҳам қабул қилинган. Уларнинг бажарилиши, яъни маҳсулот сифати юқори бўлиши, талаб даражасига мос келиши корхоналарнинг жаҳон бозорига чиқишини ҳам оsonлаштиради. Сифатсиз, стандартларга мос келмайдиган, инсон саломатлигига хавф соладиган маҳсулотни сотгани учун савдо корхоналарига, хусусий дўконларга ва тadbirkорларга нисбатан улар фаолиятини тўхатиб қўйишга қадар жиддий чоралар кўриши керак. Халқимизнинг истеъмол манфаатини ва соғлигини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан бундай чоралар мақсадга мувофиқ бўлади.

Д.ШАРИПОВ,

Самарқанд вилоят стандартлаш, метрология ва сертификатлаш ҳудудий марказининг давлат назорати бўлими бошлиғи.

Одамнинг олмаси ичида, дегани рост гап. Бунга хатирчилик Шокир Юлдошев мисолида кўриш мумкин. У ҳаётда ўзини койитмай мўмай пул топишга интилади. Кўнгил кўчасига кириб бировнинг ҳақига кўз олайтирди, кимларгадир зуғум ўтказди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, қилмишлари фош бўлиб қора курсига ўтирди...

Яқиндагина қамок муддатини ўтаб қайтган Шокир ўзини устамонлик билан тутди. Анчиқ сабоқлардан тўғри хулоса чиқардим, қолган умримни яхшиликка, яратувчиликка бахшида этаман, дея маҳалла кўйдагиларнинг кўйини пуч ёнгоққа тўлғади. Аммо кўнглидаги қора ниятлари фақат ўзигагина маълум эди, холос. Шокир Юлдошев бозорма-бозор, чойхонама-чойхона кезиб ўзига ҳам тоқовлар излади. Кўр-кўри коронгуда топади, деганларидек нақ кўнглидаги учарларга йўлиқди. Тоғни урса талқон қилайдиган Маҳмуд Нисёзов ҳамда Муҳаммад Юлдошевлар Шокир бойваҳчадек устозга зор эканликларини биринчи сирли суҳбатдаёқ маълум қилишди. Уч оғани ботирлар гапни бир ерга қўйиб, қора ишларини режалаштириб олдилар.

Тижоратчи Мавжуда Нажимова ҳамтовокларнинг жонига оро кирди. У Шокир Юлдошевнинг умрдошидан икки ҳафта муддатга беш миңг сўм қарз олади. Бундан фойдаланган учарлар-эру хотин уч кун ўтмаёқ қарзини талаб қилиб боришади. Мол олиб қўйганман, қотиб бўлган, пулигини қайтараман,- дейди М.Нажимова. Шокир зўравон иккиланмай хоналарга бостириб кириб деворга осилган қилма билан кетади. Орадан уч-тўрт кун ўтган яна тижоратчининг уйига ўшириб келади. Оғзида турмайдиган гаплар билан хонадон эгаларини тахир-қайтади. Сўнг «қарзининг фоизи» ҳисобига яна бир қилма билан умаради. Қарангки, у шу билан қаноатланмайди. Ун кун ўтказиб Маҳмуд Нисёзов иштиёрида бўлган машинада яна пайдо бўлади. Уй бекаси йўқлигидан фойдаланиб қизи

Пахта - 98



ҲОСИЛ НОБУД БЎЛМАЙДИ

Косон тумани деҳқонлари жорий йилда давлатга 54 миң тонна пахта топширишни режалаштирганлар. Туманда ҳосил нобудгарчилигига қарши зарур тadbirkорлар ишлаб чиқилган.

Пахта йигим-терим мавсумида 5 жойда доимий ДАН пости, 8 та мунтазам ҳаракатдаги ва 4 та тунги ҳаракатдаги постлар иш олиб боради - дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Рустам Алимов.

Суратда: туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Рустам Алимов (ўртада) пахтакорлар билан суҳбат ўтказмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат.

Муносабат

РАҲБАРДАН ТАЛАБ ЎЗГАЧА

«Ишонч» газетасининг 1998 йил 10 сентябрь 106-сонидagi эълон қилинган «Энди Шовдиров устидан ёзмайм» сарлавҳали мақолани кўриб хайратим ошди. Бейхитер қозоқ оқинининг «мен не дейман, қўбизим не дейди», деган кинояси ёдига тушди. Чироқчи туманидаги Аҳмад Ясавий номидаги жомоа хўжалиги мутасаддилари, хусусан бош иқтисодчи Боймўмин Шовдировда озгина инсоф бўлганида Отамурод Темиров, шикоят ариза, туман ҳокими Уриносаров Э.Усанов эса жавоб берилмаган бўларди. Начора, гишт қолдандан кўнган. Аммо бир туман раҳбарларидан бирининг муносабати мени ташвишга солди. Ахир биз ҳуқуқий демократик давлатга яшаймиз-ку. Ҳар бир фуқаронининг ҳуқуқи ва дахлсизлиги қонун ҳимоясига олинган. Айтилган ҳоким муовини шикоятчининг «жиловлаш» учун анча тер тўққан кўрилади. Ҳар бир хат ортида инсон тақдири ётишини наҳотки англаб етмаган бўлса? Қолаверса, бир фуқаронининг ҳақ-ҳуқуқини чеклаш ваколатини Э.Усановга ким берди экан?

Раҳбариятнинг масалани оқилонга ҳал этишдан кўра шикоятчининг тавбасига таянтириш кўпроқ қизиқтиргани мумкин жавобдан ҳам кўришиб турибди. Ахир шикоят бехуда ёзилмайди. Қарерда турчилик, қозғоқлик аж олса, фуқаро уша ердан наҳот тополмас, сўнгра қўлга қалам олади. Бу шикоятчининг айби эмас. Балки уша жойдаги раҳбарнинг уқувсизлиги, халқ дardини тушуниб етмаётганлиги белгисидир.

Биз келажакда буюқ, фуқароси эркин давлатга яшашганлигимизни унутмаслигимиз лозим. Ахир халқимиз уйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, дея бежизга айтаёйми.

Каримжон САТТОРОВ, техника фаиллари номзоли, Гулистон шаҳри.



Саволларга Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Бош ҳуқуқий нозирини Ҳамидулла ПРЕМКУЛОВ жавоб беради

Ходимни ишдан бўшатишда, унинг фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун ҳақ тўлаш тартиблари ҳақида маълумот бериб ўтсангиз. Ходимларимиздан бири беш йилдан буён меҳнат таътиллари фойдаланилмаган. Энди ишдан бўшашдан олдин фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун ҳақ тўлашимизни талаб қилаётимиз.

Ҳ.ЮСУПОВ,

Наманган вилояти, Чортоқ тумани.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўрсатилишича, одатда йиллик меҳнат таътиллари йилма-йил жадвалга биноан бериб борилиши керак. Истисно тарихида ишлаб чиқариш заруратига биноан ходимнинг розилиги билан йиллик меҳнат таътили кейинги иш йилга кўчирилиши мумкин. Аммо бунда таътилни энг каммида 12 куну шу иш йилида берилиши шарт.

Мана шу қоидага зид тарзда ходимга меҳнат таътили (кимнинг айби билан бўлишидан қатъий назар) ўз вақтида берилмаган бўлса, ходим бу таътиллاردан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. Яъни ходим ишлаб турган бўлса бу таътиллardan ҳақиқатда фойдаланиши керак. Агар меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, иш берувчи ходимга барча таътиллар учун пул компенсациясини тўлаб, тула ҳисоб-китоб қилиши керак.

Таътил даврида ҳақ тўлаш ёки таътилни пул компенсацияси билан алмаштириш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартиби эса. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган. Унда кўрсатилишича, таътил даври учун ўртача иш ҳақи ходимнинг ҳисоб-китоб қилинаётган кундаги лавозим маоши (тариф ставкаси) олинб, унга сўнгги 12 ой мобайнида ижтимоий суғурта бадаллари олинмаган муқофот пулларини (бир марта берилмаган муқофот бундан мустасно) ун иккидан бир қисмини қўшиш йўли билан аниқланади.

1967 йилда туғилганман. 1984 йилда Тошкент халқ хўжалиги Олийгоҳига ўқишга кирдим. 1985-87 йилларда Афғонистонда хизмат бурчимни бажараётим оғир жараҳатландим. Бурчимни ўтаб қайтач, аввалги 5 йил 2-гурӯх ногиронлиги учун менга 1400 сўмдан, 1992 йилдан бошлаб 3-гурӯх ногиронлиги учун энг кам пенсия 2100 сўмдан нафақа беришади. Олийгоҳини 1990 йилда битириб ишлаб келаялман. 1990-1998 йилдаги иш ҳақим пенсия таяинлашда ҳисобга олинмайдими?

Ҳ.ШОКИРОВ, Тошкент вилояти

1994 йил 1 июлдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш» ҳақидаги қонунга биноан аввалги қонун қоидалари бўйича таяинланган пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш учун шу янги қонун амалга киритилганга қадар бўлган ҳоҳланган узлуксиз 5 йиллик иш ҳақи олинмиши мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда Сиз пенсиянгизни қайта ҳисоблаш учун 1983 йил 1 июлдан 1994 йил 1 июлгача бўлган давр учун тўпланган иш ҳақингиз ҳақидаги маълумотнома тақдим этишингиз мумкин. Бунда Сизга олийгоҳда ўқиган даврингизда тўланган стипендия иш ҳақига тенглаштирилиши мумкин.

БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ БЕПУЛ БЎЛДИ

Оила йилида оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаб вояга етказиш мақсадида тумандаги барча болалар боғчаларида ота-оналар бадалли тўлаш бекор қилинди.

Бундай қарорга келишимдан кўзда тутилган мақсадим аввало болаларни мактабга тарбия муассасаларига жалб этишни яхшилаш, аёлларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғуллишларига имконият яратиш, шу тарихқа соғлом ва етук авлоднинг тарбиялаб етиштиришди, - дейди туман ҳокими биш билан суҳбатда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, Дўстлик тумани.

Ходимнинг маънавий қиёфаси

Севимли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов таъкидлаганларидек, ўтган 70 йил давомида, суд, прокуратура ва милиция органларига биз фақат жазоларни берган сифатида қараб келдик. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари орасида ҳозир ҳам эскича қарашлар, эскича фикрлардан воз кеча олмаётган баъзи шахслар бор. Улар ҳуқуқий демократик давлат куришдек буюқ мақсади-

мизга эришишда тўғаноқ бўлмоқдалар. Қонун барча учун баробар. Шу жумладаннинг мағзини қақиб давлатимизнинг фуқаролар манфаатини кўзлаб чиқараётган барча қонун ва фар-

қандай жиноят аввало органларнинг, ҳокимият тузумининг обрўсини тўқади, ҳуқуқий давлат куриш йўлидаги саййи-ҳаракатларимизга катта зиён етказиши мумкин.

МУНДИРГА ДОҒ ТУШИРГАНЛАР

Мойишларини чуқур ўзлаштириб боришимиз зарур. Чўки қонунни қанча мукамал билсак, ҳаққимизни, манфаатларимизни шунчалик яхши ҳимоя қила оламиз. Ҳуқуқий давлат дегани барча ерда эркин, ҳуқуқий, қонуний муносабатларнинг ҳукм суришини ту-

сининг шу йил 25 февралдаги мажлисида сўзлаган нутқида ҳуқуқ-тартибот ходимлари олдига алоҳида талаблар қўйди. Қонун послобни эътиқоиди, қўли пок бўлиши кераклигини таъкидлади. Масаланинг муҳимлиги шундаки, органларда содир этилган ҳар

аксарият соҳа кишилари мундир шарафини ҳалол, самарали фаолият билан улуғлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Афсуски, курмаклар ҳам йўқ эмас.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани ИИБ милиция ходими Шухрат Ор-

Маҳфузанинг ўтакасини ёради. Ғаладонни тинтув қилиб икки қоп шакар, кир совунлар ҳамда икки миңг сўм пул ва бошқа ашёларни машинага солиб жўнайди. Биринчи режаси кўн-

қарз кўтарган йигитнинг отаси Тошўлат бобога ўдагайлади. Қарзини ўз вақтида тўламаганлиги учун уйингизга ўт қўяман, қабилидаги сўзлар билан қарини эсанқиратади. Шу кунийёқ белгиланган ерга

куватов деган кимса уни чўв туширгани, тегишли пулни бермай пайсалга солаётганлигини бўзлаб сўзлади.

Шу кунийёқ зўравонлар Шариф Эшқувватовни қийин-қистовга олишди. Куватов деган кимса уни чўв туширгани, тегишли пулни бермай пайсалга солаётганлигини бўзлаб сўзлади.

ЗУРАВОНЛАР ҚИСМАТИ

Фельетон

гилдагидек ўтганлигидан қувонган зўравоннинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Янги ўлжалар излайди. Бир кунги хонлиқ тақдирдан ташвишга тушган Рафиқ Тешаев шошилинч равишда икки бош қорамолни сотиб ўн икки миң сўмни ўз қўли билан Ш.Юлдошевга топширади. Бу ҳам етмаганидек зўравонларнинг қистови билан оқунгил йигити ўлжалик марказидаги озиқ-овқат дўконидан ўн беш қоп ун олиб Шокирнинг уйига элтади. Ҳамтовоклар одамларни, ён атрофдаги гап-сўзларни синчковлик билан

Эсонов бош эгиб келди. Зорланиб сўзлашича тумандаги Амир Темур номидаги хўжаликнинг «Юлдуз» деҳқон фермер хўжалиги раҳбари М.Исроиллов катта миқдордаги қарзини бермай келаятган экан.

Мушкуллими осон этинг, хурсанд қиламан, таъкидлади Эсонов.

Шокир Юлдошевга худди шу керак эди. У ҳамтовоклари билан биз юқоридида хикоя қилган тарзда ҳаракат қилиб фермер хонадонининг тинчини бузишди. Уз вақтида фермер Исроиллов ҳам зўравонларга дardини сўзлади. Ш.Эш-

Хар бир нарсанинг интиҳоси бор, албатта. Ўзи хон, қўланқаси майдон бўлиб кетган Шокир Юлдошев босар-тосарини билмай қолди. Қўнларнинг бирида навабдаги кайф савфодан сўнг қаттиқ маст ҳолда автотрош бекатда турган шахсий машинага ўтирди.

Ҳайда,- деди зўравон фуқаро Р.Раҳимовга.

Талабининг бажаришдан боти тортган машина эгасини ҳақоратлади, унга тан жароҳати етказди.

Ортиқча бундай найра-нгларга, зуғуму зўравон-

Туман марказидаги бозорда олди-сотди қилаётган дурдодорлар куруғини чўзишсин, акс ҳолда бозорда уларга жой топиламай қолади,- таъкидлади Шокир бойваҳча.

Уйлаймизки, зўравонларнинг аччиқ қисмати-дан, лақиллаб чўв тушганлар кўруғлигидан ҳамма ўзига тегишли хулоса чиқариб олади.

Сирожиддин РУСТАМОВ, «Ишонч» газетасининг махусе мухбири.



БМТ АНЖУМАНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 53-сессияси давом этмоқда. Унинг ишида жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатлар делегациялари иштирок этмоқдалар. БМТ анжуманида жаҳон иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, давлатларaro савдо-иқтисодий, моливий алоқалари кенгайтириш масалалари ҳамда долзарб минтақавий муаммолар муҳокама этилмоқда.

ПАРЛАМЕНТ ҚАРОИ

Кеча Америка Қўшма Штатларининг етакчи телекомпаниялари орқали Президент Билл Клинтон ва Оқ уйнинг собиқ ходимаси Моника Левински ўртасидаги ишқий саргузаштнинг тергов тафсилотлари ҳақидаги 4 соатлик видеофильм намойиш этилди. Клинтон ўзининг ишқий саргузашти ва буни тергов комиссиясидан яширигани учун Конгрессдан ҳар қанча кечирим сўрамасин, парламент барибир унинг шахсий ҳаётига оид барча сирларни жамоатчиликка ошкор этишга қарор қилди.

КЕМА ҲАЛОКАТИ

Филиппинда йўловчи ташиш кемааси ҳалокатга учради. Пойтахт Маниладан очик денгизга чиқishi ҳамоно кема қўқа бошлаган. Бу вақтда кемада 400 дан зиёд йўловчи бор эди. Қутқарув гуруҳи денгиздан 200дан ортиқ йўловчини қайтариб олишга муваффақ бўлган. Шулардан икки киши ўлик ҳолда топилган. Қолган 200 га яқин киши ҳамон денгизда. Уларни қидириш ишлари давом этмоқда.

АЛБАНИЯДА КЕСКИН ВАЯТ

Албаниядаги ҳукуматга қарши кескин норозилик намойишлари ҳамоно давом этмоқда. Мухолифатдаги Албания ҳалқ партияси раҳбари Азем Хайдарий ўлдирилгандан сўнг бошланган кетган Фатос Нано ҳукуматиға қарши куралиш кўзголга мамлакатнинг собиқ Президенти Сали Бериша ҳам қўшилиб кетди. Бу эса Албанияда ҳукумат алмашishi учун курашнинг юзага келишиға сабаб бўлди.

ИСРОИЛДА ЯНГИ ЙИЛ

Исроилда янги йил байрами нишонланмоқда. Яхудиайлар тақвими бўйича ҳозир Исроилда 1775 йил кириб келди. Пойтахт Тель-Авивда янги йил байрами муносабати билан тантанали маросимлар, халқ сайллари бўлиб ўтмоқда.

КИТ ОСМОНДА ПАРВОЗ ҚИЛДИ

Америка Қўшма Штатларидан Исландияға 4 соат давомда сафар қилган самолёт бортида оғирлиги бир тоннаға яқин Кейко лақабли кит савёҳат қилди. Кит бундан 9 йил олдин Исландия соҳиллари яқинида тутиб олинган ва Америкаға олиб кетилган эди. У ерда Кейко омваний болалар кинофильмларида суратға тушиб юрди. Мана энди киши усталари китни ўз ватаниға қайтариб, суаға қўйиб юбордилар.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

«Лола» Сирдарё вилоятидаги йирик, айна чоғда ютуқлари бисёр корхона эди. Кейинги йиллардаги иқтисодий ноқорлик унинг қаддини анча букиб қўйди. Корхона олдида икки йил: изланиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига қолоқликдан қутилиш ёки банкротлик эълон қилиш қолганди. Жамоа биринчи йўлни танлади. Жамоа раҳбари Шокир Абдуллаев ўшанда ўз дастури билан бизни таништира туриб бир йилда иқтисодий тангликдан қутилиш зарурлигини таъкидлаганди. Бугун жамоадаги муҳит, интилиш ўзгача. Энг муҳими корхона жамоаси бозор иқтисоди талабларига мослаша олди ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйди. Бир қанча янги цехлар ишга туширилди. «Харакатда баракат» деганларидек, шу йилнинг ўтган беш ойида 11 миллион 157 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, беш ойликни 318 минг сўм фойда билан яқунлади. Тажриба, таъмирлов, бичув-тикув, попоп, буюртма ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехлари фаолияти тубдан ўзгарди.

Бугунги нозик дид, талабчан миқоз «Лола»ни таниди. Муҳими ҳам шунда. Чунки, изланувчан чеварларнинг ривожланиш сари интилишлари натижасида эртаға суйиб

харид қилинадиган кийим-кечаклар яратишиға шубҳа йўқ. Буни жамоаға берган буюртмасидан кўнгли тўлаётган миқозлар фикридан ҳам билса бўлади.

Ортиқча ишчи кучлари хизмат соҳасига

«ЛОЛА» ЧЕВАРЛАРИ

Жамоанинг Доно Шокирова, Хона Йўлдошева, Роза Шегай, Муниса Шамсидинова, Зуфия Тайсина каби мутахассислари меҳнатидан барча мамнот. Кенжа рақобатбар

дош маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехи ҳамда буюртма цехининг ютуқлари ҳам диққатга сазовор. Сайида Атаева етакчилиги қилаётган миқоз буюртмаси асо

экан. Яна шу ҳам маълум бўлдики, ишға олинаётган ҳар бир чевар алоҳида синовлар орқали ўтганлар. Чунки, миқозталаб ва истагини бажариш, унинг дидига мос кийим

кечак тикишнинг улдасидан ҳамма ҳам чиқармайди. Чевар қизлар эркак ва аёллар либосларидан тортиб театр кастюмларигача тайёрлашгапти. Цехнинг Меҳри Комилова, Шоира Солиқова, Тасбеҳа Қорақулова, Феруза Турсунқулова каби кўли гул тикувчилари янги андозалар асосида

Тикувчининг обрўси, у яратган либосда. Миқоз дидига мос маҳсулот ҳеч қачон ерда қолган эмас. «Лола» чеварлари ҳам ўз меҳнатлари қадр-қимматини сақлаш, элимизға манзур либослар тайёрлаш йўлида тинмай ивланиб интилоқда.

Нурйўлла ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ХИЗМАТ ҲАМ МАҲСУЛОТ

Маълумки, ҳар бир мамлакат, хоҳ бой бўлсин, хоҳ ўртаҳол, ўз заҳираларига эга. Булар табиий, моливий, саноят ва бошқа заҳиралар бўлиши мумкин. Мамлакатларнинг ривожланиш худи шу бойликларни тўғри, оқилона ишлата билишиға кўп жиҳатдан боғлиқ. Мамлакат бюджети даромадининг анчагина қисмини маҳсулот ёки хизмат экспортидан келган фойда ташкил этади. Шундай экан, шубҳасиз барча мамлакатлар кўпроқ маҳсулот ёки хизмат экспортини амалға ошириб фойда қўришни кўзлайди. Қўриладиган фойда қанча кўп бўлса, халқнинг яшаш тарзи шунча юқорилашади. Мамлакатнинг ободонлашуви, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа кўпгина соҳаларда ижобий ақсини топади.


чи томонидан содир этилганлиги аниқланса, бундай ҳолатда етказилган зарар айбдор томонидан тўла-тўқислиғича қопланиши керак. Шунингдек, қонунға биноан маънавий зиён моддий зарардан қатъий назар тўлалини лозим бўлиб, бу тўлов суд ҳокимиятлари томонидан белгиланади. Юқоридаги моддаларға суянган ҳолда айтишимиз мумкинми, мажбурий сертификатлаштиришға кирмаган хизмат турлари бўлса-да, истеъмолчилар давлат томонидан қонун орқали ҳимояланади. Хизмат кўрсатишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда республикамизда бир қанча хизмат кўрсатиш объектларини, хусусан табиий (санатория, касалхона, турруҳхона, тиш шифохоналари ва ҳ.к.э.)

Газетхон илтимосига кўра

кирмаган бўлса, ушбу хизмат тури ихтиёрий сертификатлашға тақдим этилиши мумкин. Аммо, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида тўхталиб ўтилади, хусусан истеъмолчиға кўрсатилаётган хизмат хавфсизлик кўрсаткичлари санитар-гигиеник, эпидемик, радиология ва бошқа инсон саломатлиги, молмулки, ҳаёти, атраф муҳит учун зарарсиз эканлигини қаролати бўлиши лозим. Ушбу қонуннинг 20-моддасида эса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузулганда, яъни кўрсатилган хизмат тўғрисида зарар етказилганда, бу зарар сабабчиси хизмат кўрсатув-

чи томонидан содир этилганлиги аниқланса, бундай ҳолатда етказилган зарар айбдор томонидан тўла-тўқислиғича қопланиши керак. Шунингдек, қонунға биноан маънавий зиён моддий зарардан қатъий назар тўлалини лозим бўлиб, бу тўлов суд ҳокимиятлари томонидан белгиланади. Юқоридаги моддаларға суянган ҳолда айтишимиз мумкинми, мажбурий сертификатлаштиришға кирмаган хизмат турлари бўлса-да, истеъмолчилар давлат томонидан қонун орқали ҳимояланади. Хизмат кўрсатишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда республикамизда бир қанча хизмат кўрсатиш объектларини, хусусан табиий (санатория, касалхона, турруҳхона, тиш шифохоналари ва ҳ.к.э.) юритилади. Фараз қилинг, бу босқичдан ҳозир қайси хизмат кўрсатиш объектлари ўта оларкин. Менимча, аҳоли бундай сўровларға тўғри жавоб беради. Чунки, уша объектлар ва уларда ишлаётган ходимлар билан ўзлари юзма-юз тўқнашадилар ва хизмат кўрсатишни қай даражада эканлигини яхши биладилар. Истеъмолчиларнинг хизмат кўрсатуви ҳодимлар орқасидан югуриб ва уларнинг қош-қовоқларига қараб муомала қилишлари, уша ходимнинг хизмат вазифаларини истеъмолчилар илтимос қилиб қилдиришлари мантқиқ тўғри келмайди. Худди шу каби иллатлар хизмат кўрсатиш ривожлантиришға тўсиқ бўлибгина қолмай, истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол қилиш ҳамдир. Узингиз ўйлаб кўринг, давлат томонидан ижтимоий ҳимояланган соҳалар ўзларининг кўрсатаётган хизматларини халққа манзур этмасалар, истеъмолчилар тўла-тўқис берилган ҳуқуқлари бўйича фойдалана олмасалар ёки кўрсатилган хизмат савияси уларни қониқтирмаса, оқибатда давлат томонидан кўрсатилаётган ердан ҳам ўз кучини қисман йўқотади. Хизматларни сертификатдан ўтказиш жараёнида эса бундай иллатларнинг юзага чиқишиға йўл қўйилмайди.

Абдуҳамид ҚАРИМОВ, «Ўздавстандарт» ходими, техника фаълари номзоди.



Наманган вилоят дон маҳсулотлари комбинати Тошбулоқ шаҳарчасида «Винклер» технологияси асосида янги нон ишлаб чиқариш цехини ишға туширди. Ҳозир бу ерда кунига 1,5 тонна ундан 18 турда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Суратларда: ишчи Шокиржон АҚРАМОВ, «Иссиқ нон» цехининг умумий кўриниши. Ҳ. ТОҲИРОВ олган суратлар.

Хорижлик тадбиркор нигоҳи

Мустақиллик шарофати билан юртимизда улкан ўзгаришлар бўлди. Шулардан бири чет эл тадбиркорларининг Ўзбекистонға келиб бемалол иш олиб боришларидир. Андижондаги «Бизнес имкон», Андижон «Бизнес инкубатори»нинг бу борадаги ибратли ишлари кўзға яққол ташланади. Бу ерда Жанубий Африка, Австралия, АҚШнинг турли штатларидан келган мутахассислар Андижон тадбиркорларига ўз тажрибаларини ўргатишмоқда. Мухбиримиз ана шундай тадбиркорлардан бири америкалик Шарлетт Дуэл билан сўхбатда бўлди.

ЮРТИНГИЗ БЕБАҲО

Шарлетт хоним, ўзингиз ҳақингизда қисқача гапириб берсангиз. - Мен 1952 йилда Американинг Калифорния штатида туғилганман. 1970-1974 йилларда Орегона штатидаги университетнинг «Фуд сайенс энд технология» ихтисослиги бўйича битирдим. Университетдан сўнг уч йил Женерел Фуд Корпорейшен-да, «Трее Топ» компаниясида ҳамда, Янги Зеландияда, 1986 йилдан 1990 йилгача «Массей» университетига изланувчи илмий ходим бўлиб ишладим. 1990 йилдан Орегон штатидаги «Клермонт ИНК» компаниясида изланиш ва сифат назорати бўйича техник директор вазифасида иш оlib бордим. 1997 йилда «Медикал Амбассадор» компаниясида ишнинг давом эттирдим. Андижонға эса «Бизнес инкубатор»нинг «Тарақ-

лан ўзбек аёллари ўртасидаги фарқи сездингизми? - Аёллар қайси миллатдан, мамлакатдан бўлмасин; улар она сифатида фарзандлари учун тиниб-тинчишмайди. Турмуш ўртоғининг вафодор ёри бўлиш учун ҳаракат қилдилар. Ҳамиша одамлар эътиборида бўлишни, гўзалликларини йўқотмасликни хуш кўрадилар. Лекин фарқли томони шундаки, бу ерда қизлар эрта турмушға чиқишар экан. Улар жуда гўзал, ибодли, латофатли. - Узингизни бахтли деб биласизми? - Албатта, ишимни жуда ҳам яхши кўраман. Чет элларға чиқиб бир вақтлар меннинг орауим эди. Янгиликлар яратиш мен учун жуда катта бахт. Андижон қайсидир жиҳатлари билан мен туғилган юртға ўхшаб кетар экан. Шунинг учунми Андижон ва андижонликларни яхши кўриб қолдим. Бу ердан кетган Калифорнияға бораман, сўнг яна Андижонға қайтиб келаман. - Шарлетт хоним, ўзбекистонликларға тилакларингиз? - Бизнинг бу ерларға келиб бемалол ишлаши-ми мустақиллик шарофати деб биламан. Шу кунни нафақат ўзбекистонликлар, Ўзбекистонға келиш илмингда юрган барча чет элликлар ҳам интизорлик билан кутганлар. Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда тадбиркорлар, ишбилармонлар кўпайиб кетди. Бу Ўзбекистон келажагининг буюклигидан далолатдир. Сўхбатловчи: Маҳмуда ТОҲИБОВА.

ЎЗБЕКИСТОН-ЕХХТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистонға Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Бош котиби Жанкарло Арагона бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. ЕХХТ вакиллари иштирокида Тошкентда «Атроф-муҳитнинг минтақавий муаммолари ва уларни ҳамкорликда ҳал этиш чора-тадбирлари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтмоқда. Ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. 1994 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда ЕХХТнинг умумий масалалар бўйича семинари ўтказилди. 1995 йилнинг сентябрь ойида эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ЕХХТ ташаббуслари билан Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва

Халқаро семинар

ялли тинчликка эришиш савийи ҳаракатлари, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим омиллари ва қатор бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, ЕХХТ Ўзбекистон билан атраф-муҳитнинг муҳофазаси қилиш, Орол денгизи фожяаси оқибатларини бартараф этиш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. ЕХХТ Бош котиби жаноб Арагонанинг Ўзбекистонға бошланган ташрифидан сўнг, ушбу соҳалар билан боғлиқ, Янги, Тошкентда ЕХХТ делегацияси иштирокида «Атроф-муҳитнинг минтақавий муаммолари ва уларни ҳамкорликда ҳал этиш чора-тадбирлари» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтмоқда. Икки кунлик семинарда Бош котиби Жанкарло Арагона минтақавий экологик муаммоларнинг бартараф этилиши глобал экологик муаммоларнинг халқилинишга беэвосита замин яратишини алоҳида таъкидлади. Шу мавнода, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг хавфсизликнинг чегараси бўлмади, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик дунё тинчлигининг гаровидир, деган мазмундаги гаплари эслаш жоиз. Демак, Марказий Осиёдаги экологик муаммоларни халқ қилмай туриб, жаҳонда атраф-муҳит муҳофазаси борасидаги ишларни самарали олиб боришнинг иложи йўқ. Хайрулло НУРИДДИНОВ, шарҳловчи.

Ижро маҳорати байрами

Маълумки, бугун Тошкентда Халқаро симфоник мусиқа фестивали очилади. Фестивалнинг асосий тадбирлари, жумладан, симфоник ва камер концертлари Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент

Давлат консерваториясида ўтади. Консерватория ректори, профессор Равшан ЮНУСОВ бу муҳим тадбирга қўрилган тайёргарлик ҳақида кўйидаги рафий номидаги Тошкент

Давлат консерваториясида мамлакатимизда илк бор ўтказилган бу улкан мусиқа байрами қизгин ҳозирлик кўрилади. Фестиваль доирасида Ўзбекистон композиторларининг ўттизга яқин симфоник ва камер асарлари ижро этиш учун тайёрланмоқда. Уларни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ҳамда консерваториямиз мусиқа театри студияси, симфоник оркестри ва хор жамоаси биргаликда ижро этади. Камер концертларида, йирик жанрдаги асарлар ижросида профессор-ўқитувчиларимиз ва бошқа ёш ижрочилар қатнашади. Масалан, профессор Офелия Юсупова фортепьянода бастакор Рустам Абдуллаев концертини ижро этади. Ирина ва Максим Железновлар фортепьяно дуэти сифатида чиқишади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Адиба Шарипованинг ижролари таниқли созанда Элмира Мирқосимова жўрлигида бўлади.

Давлат консерваториясида ижро этиб келинган. Фестиваль ташкилий кўмитаси анжуманининг тантанали очилиш маросимидаги концертни ана шу асар билан бошлаш таклифини киритди. Чунки бадиий сўз устаси, яқка созанда, хор жамоаси ва симфоник оркестр учун яратилган бу асарда ўтмиш билан ҳозирги замон мусиқа воситалари уйғунлашиб кетган.

Мусиқа театри студиясига келганда шунини айтиши керакки, бу жамоа таниқли бастакор Икром Акбаровнинг ўтган ўқув йилида илк бор концерт шаклида ижро этилган «Ибтидо хатоси» операсидан лавҳалар кўрсатади. Уни симфоник оркестр, хор ва яқка хонандалар ижро этади. Бу шунчаки томоша бўлиб қолмай, ўзбек оҳанглари уйғунлашган бадиий баркамол асар сифатида кўп бастакорлар учун ибратли бўлиши мумкин.

Мусиқа театри студиясига келганда шунини айтиши керакки, бу жамоа таниқли бастакор Икром Акбаровнинг ўтган ўқув йилида илк бор концерт шаклида ижро этилган «Ибтидо хатоси» операсидан лавҳалар кўрсатади. Уни симфоник оркестр, хор ва яқка хонандалар ижро этади. Бу шунчаки томоша бўлиб қолмай, ўзбек оҳанглари уйғунлашган бадиий баркамол асар сифатида кўп бастакорлар учун ибратли бўлиши мумкин.

Анжуман дастурига кирган энг йирик мумтоз асарлардан бири Мутал Бурхоннинг Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеърлари асосида яратган «Алишер Навоийга қасида» сидир. Бу асар Навоийга бағишланган саналардаги кон-

серваториясида ижро этиб келинган. Фестиваль ташкилий кўмитаси анжуманининг тантанали очилиш маросимидаги концертни ана шу асар билан бошлаш таклифини киритди. Чунки бадиий сўз устаси, яқка созанда, хор жамоаси ва симфоник оркестр учун яратилган бу асарда ўтмиш билан ҳозирги замон мусиқа воситалари уйғунлашиб кетган.

Созандаларимиз айна пайтда хоржий мамлакатлар бастакорлари яратган ва фестивал дастурига киритилган асарларни ҳам ижро этадилар. Анжуман дастурига кирган энг йирик мумтоз асарлардан бири Мутал Бурхоннинг Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеърлари асосида яратган «Алишер Навоийга қасида» сидир. Бу асар Навоийга бағишланган саналардаги кон-

серваториясида ижро этиб келинган. Фестиваль ташкилий кўмитаси анжуманининг тантанали очилиш маросимидаги концертни ана шу асар билан бошлаш таклифини киритди. Чунки бадиий сўз устаси, яқка созанда, хор жамоаси ва симфоник оркестр учун яратилган бу асарда ўтмиш билан ҳозирги замон мусиқа воситалари уйғунлашиб кетган.



Керакки, бу жамоа таниқли бастакор Икром Акбаровнинг ўтган ўқув йилида илк бор концерт шаклида ижро этилган «Ибтидо хатоси» операсидан лавҳалар кўрсатади. Уни симфоник оркестр, хор ва яқка хонандалар ижро этади. Бу шунчаки томоша бўлиб қолмай, ўзбек оҳанглари уйғунлашган бадиий баркамол асар сифатида кўп бастакорлар учун ибратли бўлиши мумкин.

Фестивалда Мутал Бурхон, Мирсоҳиб Тожиёвнинг мумтоз асарларини ҳисобга олганда, асосан мустақиллик йилларида яратилган энг яхши ва сара асарлар намойиш этилади. Шунингдек, мусиқа театри студияси жамоа-

Мусиқа театри студиясига келганда шунини айтиши керакки, бу жамоа таниқли бастакор Икром Акбаровнинг ўтган ўқув йилида илк бор концерт шаклида ижро этилган «Ибтидо хатоси» операсидан лавҳалар кўрсатади. Уни симфоник оркестр, хор ва яқка хонандалар ижро этади. Бу шунчаки томоша бўлиб қолмай, ўзбек оҳанглари уйғунлашган бадиий баркамол асар сифатида кўп бастакорлар учун ибратли бўлиши мумкин.

Бахтиёр МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири.

Ўзбеклар дунёдаги энг болажон халқ. Шу жихатдан Президентимиз ташаббуси билан «Болалар жамғармасининг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди. Зеро, келажакки буюк мамлакатимиз улар қўлида экан, демак, биз ёшларни ҳар тарафлама етук ҳолда камолотга етказишимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бу борада Наманган вилоятида қандай ишлар қилинмоқда?

Мухбиримизнинг шу мазмундаги саволига Ўзбекистон «Болалар жамғармаси» вилоят бўлимининг раиси Наташа Рязанцева жавоб беради:

Жамғармаимиз иши ва дастурини бажаришда турли касбадаги, ёшдаги, ҳатто турли ташкилотлардаги кишилар ўз ҳиссаларини қўшаётганиларини мамнуният билан тилга олиб ўтишни зарур деб ҳисоблайман. Бизнинг жамоат ташкилотимиз орқали улар ўз фуқаролик бурчларини бажармоқдалар, қизиқиш ва иқтидорларини ишга солиб ва шу йул билан болалар учун фойдали нимадир қилишга имконият кидириб топмоқдалар. Режаларимизда ота-она меҳридан бебаҳра қолган болалар муаммоларини ҳал қилиш масаласи асосий манбаа бўлиб қолмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Давлат барча усуллар билан болалар ҳаётини яхшилашга уринмоқда.

ёқадан бош чикаргандагина эзгу мақсадга эришиш мумкин. Бинобарин, бу борада бўлимимизда жамоатчиликка сунган ҳолда бир мунча ишлар қилинмоқдаки, бу билан фахрланишга ҳақлимиз. Биргина мисол: жамғармаимиз ёрдамида вилоятимизда ягона саналган Наманган шаҳридаги болалар уйда мусиқа мактабининг филиали, ашула ва рақс гуруҳи, ти-

кунчилик тўғарақлари иш бошлади. Вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов ташаббуси билан болалар уйига барча қулайликларга эга бўлган янги бино ажратилди ва унинг атрофидаги ажойиб боғ ҳамда деҳқончилик қилиш учун яроқли катта ер майдони соғина бермоқда. Лекин биргина давлатнинг, биргина директорнинг, биргина тарбиячининг ўзи болалар уйлари кувонч ва илиқлик масканига айлантиришга ожиздир. Барча жамоатчилик бир

«Болалар жамғармаси» ногирон болалар ота-оналарининг фаолликларини оширишга ҳам алоҳида эътибор бераёпти. Қосонсой туманида «Ногирон болалар ота-оналари клуби» ташкил этилган. Бу клубга 200 дан ортиқ ота-она билан болалар ота-оналари бир-бирларига ёрдамлашиб ҳокимият, давлат муассасалари ва халқ таълими бўлими билан яқин алоқада иш олиб бормоқдалар. Қонунчиликни чуқур ўрганмоқдалар, хомийлар кидириб топилмоқда, болалар байрамларини биргаликда ўтказишмоқда. Ана шу ота-оналар талаблари ва ташаббуслари билан вилоятда биринчи марта болалар боғчаларида ногирон болалар гуруҳи ташкил этилди. Ҳозир бундай гуруҳлар 14 та боғчада тузилган. Қосонсой тажрибаси Тўрақўрғонда ҳам ўз издошларини топди. Мақсад ва интилишимиз фарзандларимиз давримизга муносиб кишилар бўлиб етишишин.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ

УЧКЎПРИКДА ЯНГИ МАКТАБ



Учкўприк тумани ҳокимлиги келажакимиз эгалари тарбиялаётган, камол топаётган мактаблар фаолиятига алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, туманда ҳар бир мактаб учун оталик ташкилотлари бириктириб қўйилган.

2-урта мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларининг шодлиги чексиз. Сабабин улар янгида қурилган 360 ўринли қўшимча бино тўғрисида дарсларини бир сменада ўтишмоқда. Суратларда: ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, вилоят кўрик-танлови ғолиби Мақсудахон МИРЗААЛИЕВА. Дарс пайти. Янги мактаб биносининг умумий кўриниши. Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



Мунажжам башорати

КҮЙ 21.03 - 20.04
Сешанба ва пайшанба кунлари ҳамма ишларнинг кунлари келди. Айнан мана шу кунларда сиз ишингиз юришига нима эканини ҳис қиласиз. Чоршанба кунини бироз ҳорғин бўласиз. Дам олиш кунлари муҳим хабарларни кутинг.

борасида олиб боришингиз керак бўлган мулоқотларингиз бароридан келадир. Дам олиш кунларини осойишта муҳит, яъни оилада ўтказганингиз маъқул.

БУҚА 21.04 - 21.05
Ҳафта бошида сермахсул ишлашга қурбингиз етади. Моддий ҳолатингизни бироз бўласиз ўнглаб олиш учун қилган ҳаракатларингиз омадли бўлади. Харид ва савдо борасидаги битимлар учун жума кунини қулайдир.

ШЕР 24.07 - 23.08
Душанба кунини ажойиб нарсанинг соҳиб бўласиз. Сешанба - пул муқофоти эҳтимоли кунини. Янгилик ва

ЭГИЗАКЛАР 22.05 - 21.06
Сешанба кунини бюджетингизга маблағ тушиши кутулади. Чоршанба кунини ўзингизни бироз ноҳуш сезасиз. Иш жойингиздаги кичик можаро жума кунини кайфиятингизни тушириб юборади. Шанба ҳар томонлама омадли бўлади.

ЧАЁН 24.10 - 22.11
Ҳафта бошида ўзингизни иш билан юкманг - бирибир ишингиз энг келишимли натижасини пайшанба кунини беради. Иш борасидаги муҳим учрашувлардан бири шанба кунини қутулади. Яқшанба кунини фаол дам олишга қаратинг.

ҚИСҚИЧАҚА 22.06 - 23.07
Ҳафта бошида жароҳат олишингиз эҳтимоли бироз катта. Шунга қарамай сешанба ўзининг ажойиб романтик саргузаштлари билан узоқ вақт ёдда қолади. Пайшанба кунини иш

ҚОВҒА 21.01 - 19.02
Иш фаолияти билан боғлиқ муносабатлар учун душанба қулай кун. Сешанба кунини алданиб қолш эҳтимолингиз катта. Муҳими телефон кўнгирагини пайшанба кунини кутинг. Жума кунини ишлаб пул топиш учун фурсат пайдо бўлади. Дам олиш кунлари бир қанча танишув ва учрашувларга бой бўлади.

ТАРОЗУ 24.09 - 23.10
Ҳафтанинг бошиданок ажойиб ва ноажойиб хабарларнинг гувоҳи бўласиз. Ижодий ёндашув ўзи

БАЛИҚ 20.02 - 20.03
Ҳафта бошида ижодий фаолиятингизнинг энг баланд чўққилирида бўласиз. Бу ижоднинг самараларини эса сешанба ва чоршанба кунлари кутинг. Пайшанба - меҳнат ютуқлари учун самарали кун. Дам олиш кунларини дўстлар билан ўтказганингиз маъқул.

ЎШОНЧ

БОШ МУҲАРРИР: МИРГИЁС ҚАЙУМОВ

«БОТАНИКА»

САНАТОРИЙСИГА МАРҲАМАТ!

Азизлар, санаторийимизда:

- Муъжизали маъданли сув.
- Жиззах вилоятининг Балиқчи қўлидан келтирилган сульфидли ил балчиғи.
- Психотерапия хоналари.
- Шағам.
- Лазер.
- Электрофизиотерапия ускуналари ёрдамида неврология, ошқозон-ичак, жигар касалликлари билан оғриган барча беморлар дардларига даво оладилар.

Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қовоқ» қишлоғи, «Ботаника» санаторийси.

Тел: (8-3712) 64-26-26 (8-295) 61-263, 61-761.

«ТОШШАҲАРИЎЛОВЧИТРАНС»

Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюشمаси чипта сотувчиларни ишга таклиф этади.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ! Бир йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга ҳар ойда тариф ставкасининг 20 дан 50 фоизгача миқдорда устама ҳақ тўланади.

ЯНА — шаҳар йўловчи транспорти чипта сотувчилари имтиёзли нафақага чиқиш, даромадлардан имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

Маълумотлар учун телефон рақамлари: 34-84-19, 34-82-37.

Мафтункор ўлкам

«ҚАШҚАДАРЭ СОҲИЛИ» ДА

Қўлқуварлар шифо маскани ўзининг ўзгал табиати билан тўғиборни тортади. Ҳурматли Президентимиз Қашқадарёга раҳбарлик қилган кезлари шу масканни кўздан кечириб замонавий санаторий қуришни таклиф этган эди. Хайрли ишга иштиёқ билан киришилди. Юртбошимиз назарига тушган сўлим гўша қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Мевали ва манзарали дархатлар, ранго-ранг гуллар, азим дарё эпкини кишиларга завқ шавқ бағишлади.

Санаторий энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Хоналар шиман, лид билан ясаилган, клуб, спорт зали дам олувчилар ихтиёрида. Мазали парҳез таомлари барчага манзур бўлаяпти. Шифокорлар халқ табобатидан унумли фойдаланишяпти. Маълумки, исирик минг дардга даво. Бош шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Ақром Акбаровнинг таъкидлашича тоғ ва қирлардан бу шифобахш неъмат йиғиштириб келинаёпти. Шунингдек, Хўжайпоқ, Исоқ ота зиёратгоҳлардаги балчиқлар ҳам даволаш ишларида ас қотмоқда.

Сўлим масканда гинеколог бўлим ҳам мавжуд. Узоқ йиллардан бўён фарзандсизлик доғида қуйган аёллар нене умидлар билан бу ерга келишади. Шифокорларнинг юксак билим ва тажрибаси тўғрисида дардларга шифо топиб «Она!» деган бахтга мушарраф бўлишяпти. Бунда гинеколог Хурсаной Холиқованинг муносиб ҳиссаси бор.

Маданий-маърифий тадбирлар ҳам изчил амалга ошириляпти. Таниқли шоир, ёзувчилар, санъаткорлар билан мунтазам учрашувлар ўтказилиб турилади. Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳатлар уюштириляётганлиги барчага манзур бўлмоқда. Шифокорлар байрам шодияларини дам олувчилар билан нишонлашади. Бош ҳакам муовини Ҳазрат Мавқиев, бўлим бошлиқларидан Норбуви Анварова, Икром Раҳимов, энг тажрибали шифокор Афанасий Ким, ҳамширалардан Назира Қосимова, Озода Ҳудойбердиева, Гулнора Азимова ҳамда Соҳиба Оромовалар ўз касбининг чинакам фидойиларидир. Эътиборлиси шуки, бу ерда 230 ўринли замонавий ошхона, қишқик бассейни, янги клуб биноси қурилмоқда. Ён атроф узгача бир жозиба кашф этмоқда.

Абдуллай АЙИЗОВ.

«Ишонч», «Ишонч-Довриё» газеталари жамоаси бош муҳаррири уринбосари Александр Федорович Силенковга отаси уруш ва меҳнат фахриysi

Фёдор Архипович Силенковнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бош муҳаррир: **МИРГИЁС ҚАЙУМОВ**

Бош муҳаррир: **МИРГИЁС ҚАЙУМОВ**

Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
Бош муҳаррир уринбосари 56-52-89
Маъмул котиб 56-52-78

БУЛИМЛАР:

Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт 56-82-79
Ахборот ва спорт 56-87-63. Миланиёт ва маданият 56-82-79. Халқаро, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлар 56-85-43. Ўқув ва ҳуқуқ 56-85-66

ВИЛОЯТ МУҲБИРИ

Жиззахда - 3-83-01, Нуратда - 6-2-10,
Янғиқалъада - 35-64-24, Фирғинада - 24-58-43,
Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Ташкент шаҳри, «Бухоро» (совиқ «Привет Востоку») кўчаси, 24-уй.
Нашр курсатқиси, 133; 134

Гўзетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақияланди. Офсет усулида босялди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тобақ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишда топшириш вақти — 21.00
Топширишда: 22.30